

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

Қарши шахри

«28» июль 2022 йил

“ПАРДОЗЧИ МУХАНДИС” Х.К кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи А.Эркаев бир томондан ва Қашқадарё вилоят Бош тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси кейинги ўринларда “Буюуртмачи” деб юритилади ҳамда ўзининг низоми асосида иш юритувчи З.М.Абулқосимов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Бажарувчи ўзига тегишли бўлган товар (Хизматлар)ни ушбу спецификацияга асосан Буюуртмачига топшириш, Буюуртмачи эса (Хизматлар)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада кўрсатилган суммани белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

Жами: 290 000 000 (Икки юз тўқсон миллион) сўм.

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (хизматлар)ни етказиб бериш муддати: “31” декабрь 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 290 000 000 (Икки юз тўқсон миллион) сумми ташкил этади.

2.2. Бажариладиган хизматлар учун олдиндан тулов миқдори 87 000 000 (Саксон етти миллион) сумми, яъни белгиланган сумманинг 2022 йил июль ойи учун ажратилган маблағнинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг июль ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 203 000 000 (Икки юз уч миллион) сум яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўлов 2022 йил «30» сентябргача амалга оширилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Бажариладиган хизматни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Буюуртмачига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Бажариладиган хизматларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Бажарувчи тўпلامда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (хизмат) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 (уч) кун ичида сифатсиз товар (хизмат)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 3.1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.4. Бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Буюуртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни (хизматни)миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар(хизмат) келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 1(бир) кун ичида бажарувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар (хизмат) ҳақини тўлаб бериш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олинishi зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товар (хизмат)ни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни (хизмат) тўлиқ топширмаганлик учун Бажарувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни (хизмат) топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни (хизмат)топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош торган тақдирда Бажарувчи товар (хизмат) қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Буюртмачи оловчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0.5% миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома **2022 йил 28 июлдан 2022 йил 31 декабргача** амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. Мазкур шартнома, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси 3-бандига мувофиқ тегишли тартибда Ҳазначилик булинмаларида руйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тулик бажариши учун асос ҳисобланиб **2022 йил 31 декабрь** амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Қашқадарё вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«БАЖАРУВЧИ»

“ПАРДОЗЧИ МУҲАНДИС” Х.К

Хр.20208000204177068001

ТОШКЕНТ Ш. АТБ “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК”

БОШ АМАЛИЁТЛАР БОШҚАРМАСИ

ИНН. 203954087

МФО. 01037



[Signature]

А.Эркаев

[Signature]
(имзо)

«БУЮРТМАЧИ»

Қашқадарё вилоят Бош тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси

ХР.100021860104017076400344001

ТОШКЕНТ Ш. Марказий банк

ИНН. 202954630

МФО. 00014

Молия Вазирлиги Ҳазначилик

ХР.23402000300100001010

МФО. 00014

ИНН. 201122919



БОШ ТИЖ РАИСИ:

[Signature]
З.М.Абулкосимов

(Бюджет ташкилот ҳуқуқшуносининг Ф.И.О)



«ТАСДИКЛАЙМАН»

Қашқадарё вилоят Бош тиббий-
ижтимоий эксперт комиссияси раиси
в.в.б.

К.Н.Рузиев

28.07. 2022 йил

№ 01

Қарши шахри

Қашқадарё вилоят Бош ТИЭК биносини жорий таъмирлаш учун танлов асосида шартнома тузиш бўйича комиссиясининг

МУХОКАМА БАЁНИ:

Комиссия раиси:	К.Н.Рузиев
АЪЗОЛАРИ:	
А.Маматов	Бош ТИЭК аъзоси
С.Махмадёрв	46-сон Педиаткия ТИЭК аъзоси
У.Чукмаров	Бош ҳисобчи
О.Бозоров	Бош ТИЭК касаба уюзмаси раиси
С.Хазратқулов	Бош ТИЭК қаровули

Кун тартибида куриладиган масала:

Қашқадарё вилоят Бош ТИЭК биносини жорий таъмирлаш учун 2022 йил июл август ойлари Пордозчи муҳандис хусусий фирмаси билан шартнома қилиш ва шартномани тасдиқлаш тугрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, Қашқадарё вилоят Бош ТИЭК биносини жорий таъмирлаш бўйича 4 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълон қилди. Улар куйидагича:






Танлов конкурс бўйича 2022 йил 25 июл кунда лот №122588 сонли протокол эълон куйилгандан кейин 4 та ташкилот узини таклифлари билан катнашди ва энг юкори балл Пордозчи муҳандис хусусий фирмаси олди ва 2 кун муҳокамада куйилди ҳамда бошқа эътирозлар булмагандан кейин Пордозчи муҳандис хусусий фирмаси билан шартнома тузилди.

ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОРҚИЛАДИ:

1. Пордозчи муҳандис хусусий фирмаси ғолиб деб топилсин.
2. Пордозчи муҳандис хусусий фирмаси томонидан тавсия этилган Қашқадарё вилоят Бош ТИЭК биносини жорий таъмирлашга шартнома тузибиш Қашқадарё вилоят Бош ТИЭК биносини жорий таъмирлашга шартнома тузиш Бош ҳисобчи У.Чукмаровга топширилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси К.Н.Рузиевга юклатилсин.

Комиссия раиси:  К.Н.Рузиев

АЪЗОЛАРИ:

	А.Маматов
	С.Махмадёрв
	У.Чукмаров
	О.Бозоров
	С.Хазратқулов